115

O`zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Kattaqo`rg`on shahar
**H O K I M I**

**Ўзбекистон Республикаси**
**Самарқанд вилояти**
**Каттақўрғон шаҳар**
**Ҳ О К И М И**

**O`zbekiston Respublikasi Samarqand viloyati Kattaqo`rg`on shahri**

№ 356-к

«8» июня 2012 йил

# Q A R O R

***Каттақўрғон шаҳар Қорадарё кўчасида лойиҳа асосида чорвачилик цеҳи бинолари қуриш учун ер майдони танлаш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги № 146-сонли “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эхтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Ер ва Шахарсозлик кодексларига мувофиқ уларнинг ерлардан қурилиш учун оқилона фойдаланиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 19-январдаги 05/03-10-1 сонли йиғилиш баёни қарори ҳамда Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлигининг 2011 йил 1-февралдаги Е-31-сонли телефаксограммасининг ижросини таъминлаш мақсадида, Каттақўрғон шаҳар ҳокими номига 2518-сонли Автокарвон давлат унитар корхонаси бошлиғи Джураев Фарходни ва «Жахонгир Шохжахон Транс» МЧЖ раҳбари Ш.Джураев томонидан ёзилган хатларини, ҳамда Каттақўрғон шаҳар ҳокимининг 2011 йил 29 июлдаги 44-Ф сонли «Каттақўрғон шаҳрида шаҳарсозлик ва ер танлаш тўғрисида»ги фармойиши билан тузилган комиссия аъзоларининг далолатномасини кўриб чиқиб

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

**1.** Каттақўрғон шаҳар ҳокимининг 2011 йил 29 июлдаги 44-Ф сонли «Қаттақўрғон шаҳрида шаҳарсозлик ва ер танлаш тўғрисида»ги фармойиши билан тузилган комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.

**2.** Каттақўрғон шаҳар «2518-сонли Автокарвон» корхонаси ёрдамчи хўжалиги «Жахонгир Шохжахон Транс» МЧЖга 7200 кв.метр ер майдонида, ўз ҳисобидан 720 кв.метр ер майдонда чорвачилик цеҳи ва 420 кв.метр ер майдонида чорвачилик ва гушт маҳсулотларини сотиш дўкони бинолари қуриш, қолган 6060 кв.метр ер майдонида тасдиқланган лойиҳа асосида қушимча хўжалик ва ёрдамчи бинолари қуриш , қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва ободонлаштириш учун танланди.

**3.** Каттақўрғон шаҳар «Жахонгир Шохжахон Транс» МЧЖ раҳбари Ш.Джураевга белгиланган тартибда келишилган лойиҳа-смета хужжатлари (кейинги ўринларда қурилиш лойиҳаси деб аталади) асосида ер участкасини ажратиш бўйича материалларини расмийлаштириш юклатилади. Ушбу қарор объектни қуришга мухандислик корхоналардан техник шартлар ва тегишли бўлимлардан рухсатномалар олиш учун асос ҳисобланади.

**4.** Ушбу қарор ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокими Ш.Рахмонов ҳамда шаҳар Архитектура ва қурилиш бўлими зиммасига юклатилсин.

**Шаҳар ҳокими** **С.З.Раззақов**